

## Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

АЖ «UZSALAMAN» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси раҳбариятига

Мен (биз), Фаргона шаҳри С.Темур кўчаси 225 уйда жойлашган, электрон почта манзили [himoyaaudit@gmail.com](mailto:himoyaaudit@gmail.com), Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрелда берилган №00775-сонли барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2007 йил 17 октябрда 119-сон билан рўйхатга олинган, СТИР 204107363, банк ҳисоб рақами 20208000904195942001 «Универсалбанк» Фаргона филиалида очилган, МФО 01131 масъулият чекланган жамият шаклидаги «HIMOYA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Хатамов Шавкат Бокиевич (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016 йил 20 августдаги 05409-сонли малака сертификати) томонидан ҳўжалик юритувчи субъект АЖ «UZSALAMAN» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат, 31 декабрь 2019 йил ҳолати бўйича молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувида ўтказдик.

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрлигини ва ҳаққонийлигини, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз АЖ «UZSALAMAN» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг тақдим қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг исловий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этди.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини ташлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар бералди деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, ҳўжалик юритувчи субъект АЖ «UZSALAMAN» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг 31 декабрь 2019 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича ушбу молиявий ҳолатини ва молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «HIMOYA-AUDIT»

аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитори:



Хатамов Ш.Б.